

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАККИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 1 (7141). 1 январь, 1980 йил СЕШАНБА Баҳоси 2 тийин.

С О В Е Т Х А Л Қ И Г А Я Н Г И Й И Л Т А Б Р И Қ Н О М А С И

Азиз ўртоқлар, дўстлар!
Яна бир неча дақиқалардан кейин Кремль курантлари янги, 1980 йил қирғаллигиндан дарак беради. Утиб бораётган 1979 йил совет кишилари учун тинч ижодий меҳнат йили бўлди. Улғу социалистик Ватанимиз Ленинчи партиясининг, ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитетининг доно раҳбарлигида коммунистик қурилишининг янги марралари сари тинмай олга қараб ҳаракат қилди.

Бу йилда кўпгина муваффақиятларга эришилди, мавжуд қийинчиликлар бартараф этилмоқда. Социалистик индустриямиз олга томон дадил бормоқда. Юзлаб янги катта корхоналар ишга туширилди. Қўриқдаги ҳамда бошқа бир қанча қишлоқ хўжалик районларидаги меҳнаткашлар, шунингдек пахтакорлар яхши натижаларга эришдилар.

Космик фазони ўзлаштиришда, фан, маданиятни ривожлантиришда ажойиб ютуқлар қўлга киритилди. Совет кишиларининг фаровонлиги юксалмоқда — уларнинг реал даромадлари ошмоқда, меҳнаткашларнинг уй-жой шартларини яхшилаш вазифаси изчиллик билан ҳал этилмоқда. Совет Иттифоқидаги барча қардош республикаларнинг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Заводлар ва шахталарда, далалар ва фермаларда, транспорт ва қурилишларда, хизмат кўрсатиш соҳасида, соғлиқни сақлаш ва маориф, фан ва маданият соҳасида куч ва қобилиятларини аямай меҳнат қилаётган ҳамма кишиларга сизидилдан раҳмат деймиз.

1979 йил — Халқаро болалар йили бўлди. Мамлакатимизда болалар йили минглаб эзгу ишлар билан нишонланди: янги болалар боғчалари ва яшиллар, мактаблар ва касалхоналар қурилади; болалар театрлари, пионер саройлари, ёш техниклар станциялари, стадионлар ва сузиш бассейнлари меҳмондўстлик билан оғиб қўйилди. Лениннинг «Ҳамма энг яхши нарсалар — болаларга» деган васияти совет жамиятининг ҳаёт қонуни бўлиб қолди. Еш авлод меҳнатсиз ва

маълумотли, софдил ва мард, бахтиёр ва соғлом бўлиб ўсверсин.

Азиз ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимиз 1979 йилда тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озолиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги кураш программасини изчиллик билан амалга ошира борди. Стратегик ҳужум қуролларини чеklang туғрисида СССР билан АҚШ ўртасида шартнома имзоланганлиги муҳим воқеа бўлди. Шартноманинг ратификация қилиниши ва рўйбга чиқарилиши ракета-ядро қуроли аслахоналари кўпайтирилишини тўхтатиш учун янги имкониятлар очиб берди.

Леонид Ильич Брежнев баён этган янги тинчлик ташаббуслари — Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ишига, хатарли ҳарбий қарама-қаршилиқни камайтиришга ёрдам беришга интилаётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Бундан барча халқлар астойдил манфаатдор эканликларига биз қатъий аминимиз. Ғарбий Европада Американинг янги ракета-ядро қуролини жойлаштириш ҳусусида НАТО қабул қилган қарорларнинг хавфли эканлигини ҳамма жойда тобора кўпроқ англамоқдалар. Халқлар оmmasи ақл-идроқ овозига қулоқ солиниши, қуролиниш погаси тўхтатилсин, деб ҳукуматлардан тобора кучлироқ талаб қилмоқда. Совет Иттифоқи ўз хавфсизлиги туғрисида тегишлича ғамхўрлик қилиб, ўз дўстлари ва иттифоқчилари билан биргаликда улғу тинчлик ишининг тантанаси йилда бундан буён ҳам ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларини қилаберади.

Шу Янги йил кечаси биз социализм мамлакатларидаги ога-иниларимиз ва опа-сингилларимизга самимий табрикларимизни йўлаймиз. Биз ривожланаётган мамлакатларнинг халқларига янги ҳаёт қуришда муваффақиятларга эришувларини сизидилдан тилаймиз. Капиталистик давлатларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашаётган меҳнаткашларига, ҳолис ниятли кишиларга, тинч-

лик, демократия ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кишиларга ўзимизнинг бирдамлигимизни ва мададкор эканлигимизни изҳор этамиз.

Азиз ўртоқлар! Мамлакатимиз иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига ўтказилган сайловга ҳозирлик кўрмоқда. Бу сайлов, шубҳасиз, чинакам халқ ҳокимиятининг, совет халқи мустақкам гоёвий-сисий бирлигининг, унинг жонажон партия теварагига жиқлашганлигининг янги яққол далили бўлади.

В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора кенг авж олмақда. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларидан руҳланган совет кишилари янги йилнинг ҳар бир кунини Ленинча зарбдор иш кунига айлантиришга азму қарор берганлар. Бинобарин меҳнат унумдорлигини, иш самарадорлиги ва сифатини тўхтовсиз ошириш, тежамкорликни кучайтириш, ушқоқлик ва интизомни мустақкамлаш туғрисида ҳар бир кишининг ғамхўрлик қилиши бош вазифадир.

Азиз ўртоқлар, дўстлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ишчиларни, колхозчиларни, зиёлиларни, шонли совет хотин-қизларини, ёшларни, революция, уруш ва меҳнат ветеранларини, совет халқининг тинч меҳнатини қўриқлаётган армия ва флотнинг шавкатли жангчиларини Янги йил билан астойдил табриклайдлар. Ҳозир меҳнат вахтасида, жанговар постда турган, жонажон юртимиздан олисда ишлаётган ҳамма кишиларга Янги йил қутловларини йўлаймиз.

Азиз ўртоқлар, ҳаммаингизга сизат-саломатлик, меҳнатда, ўқишда, ижодий ишларда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, ҳаммиса бахт-саодат сизларга ёр бўлсин, дўстлар!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ЎРТОҚ К. В. РУСАКОВГА СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ НАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия ва совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда тузилган кунига етмиш йил тулиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ Константин Викторович Русаковга Социалистик Меҳнат Наҳрамони унвони берилсин, Ленин ордени ҳамда «Эроқ ва Болға» олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1979 йил, 29 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ЎЗУМИ КОМИЛ ЯШИН И. К. НУЪМОНОВНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, самарали ижтимоий филология учун ва тузилган кунига етмиш йил тулиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1979 йил, 29 декабрь.

ЎЗГУ НИЯТ

УЙҒУН,
Ўзбекистон халқ шоири

Янги йил бошланур, эски йил тугаб, Аммо, тутамайди иш, ҳаёт, сафар. Эски йилда қўлга кирган ютуқда Ямланур янги йил келтирган зафар. Зафар қозонлур Янги йилда ҳам, Фалакка юксалур пахтадан тоғлар. Гудга бурканади чўллар, саҳролар, Шарбатга тўлади ҳосилдор боғлар. Болалар улағур оёқини, тинч, Оналар бахтидан қувонар жаҳон. Атом урушига йўл қўймас халқлар, Тинчликсеварларнинг изида замон.

Парча-парча бўдур учраган гўвлар. Халқлар йўл қўймайди янги урушга. Қора ниётга етолмас ёвлар. Забардаст халқимиз янги йилда ҳам Халол меҳнат қилур гоилларга хос. Улғу партиянинг эзгу гоиси Зафарларимизга мустақкам асос.

АҲОЛИ ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРАЙЛИК

Аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш бунча область Советининг наватбдаги йиғилиши бўлди. Йиғилиши Совет раиси — Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мухомбаров олиб борди.

Совет область қишлоқ аҳолисига кино хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари туғрисидаги масалани кўриб чинди.

Область ижроия комитети инфофикация бошқармасининг бошлиғи Б. А. Каплов ахборот берди.

Йиғилишда область кинолаштириш бошқармаси ва район кино дирекциялари партия ҳамда совет органларининг доимий ёрдами ва мададига таяниб, қишлоқ аҳолисига кино хизматини янада яхшилаш юзасидан муайян ишларни қилганлиги таъкидланди.

1977, 1978 йиллар ва

ХАЛҚЛАР БУЗИЛМАС БЛОКИНИНГ НОМЗОДЛАРИ

Ўзбекистон меҳнат аҳли республика Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишнинг давом эттирилоқда. Юксак снесий кўтаринчилик ва активли вазиятда ўтаётган сайловда йиғилишларда иштирокчи синфи, колхозчи деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлиларнинг энг муносиб вакиллари депутатликка номзод қилиб тавсия этилмоқда.

Оқўрғон районидagi Водинцев номи колхоз механизатори Хобибулла Мусабоев 77-Алмалик сайлов округида, Олмалик металл фабрикасининг пардозчи Наталья Николаевна Добрава 59-Олмалик сайлов округида, аядамик Р.Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Маҳмуд Мирзаевич Мирзаев 111-Киров сайлов округидан Тошкент области бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ АҲОЛИСИ

1979 йил январь ойида давлат статистика органлари ўтказган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг дастлабки якулини 1979 йил майдан матбуотда оғалон қилинганда. Ҳозирги вақтда СССР Марказий статистика бошқармаси рўйхат материалларининг биринчи навбатини ишлаб чиқиб бўлди. Бу материаллар аҳолининг жинси, никоҳда бўлиши, маълумот даражаси, миллати ва тили, тирикчилик манбаи, оилаларининг сони ва катта-кичиклиги жиҳатидан сони ва составини ифодалайди.

Ўзбекистон ССРнинг аҳолиси 1979 йилнинг 17 январига 15 миллион 1301 киши қилиб етган. 1979 йилда ўтказилган бузилган аҳоли рўйхати нисбатан аҳоли 3 миллион 592 миң киши ёки 30 процент кўпайган. Аҳолининг илални Ўсиши ўрта ҳисобда 3,3 процент бўлган. Республиканинг ҳамма областларида аҳоли сони кўпайган.

Республиканиннг шаҳар аҳолиси 4 миллион 322 миң кишидан 1979 йилда 6 миллион 348 миң кишига етган ва республика аҳолисининг 41 процентини ташкил қилган. Бундан аввалги рўйхатда 37 процентини ташкил қилган эди.

1979 йилда аҳолисининг саломати 1970 йилдаги 63 процентдан 69 процентга қадар кайтаган. Бунга сабаб шунки, қишлоқ аҳолисининг бир қисми шаҳарларга кўчиб борган, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарларга айланганлар. Бу объектив жараён сановат ва транспортнинг тараққиётига, қурилиш ишлари, механизациянинг кенг қулоч ёйганили ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ошганига боғлиқдир.

Маълумот, маданият даражасининг, мутахассислар тайёрлашнинг муттасил ўсатганили — совет кишиларининг ҳаётининг ажралмас хусусиятидир. Ҳозир республикада ешларнинг умумий мажбурий ўрта таълим амалга оширилмоқда. 1979 йилги рўйхат бўйича олий ва ўрта (ўрта ва туллиқисс) маълумотли ҳамма кишиларнинг сони 7019,7 миң киши бўлган ва 1970 йилга нисбатан қарийб икки баравар кўпайган. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг маълумот даражасида янча лиқолашмиш рўй берди. 1970 йилда ишлайдиган аҳоли ўртасида ҳар миң киши ҳисобига аҳолисининг 734 киши, қишлоқда 613 киши олий ва ўрта маълумотли бўлган. 1979 йилда шаҳарда ишлайдиган ҳар миң кишидан 873 киши, қишлоқда 829 киши шундай маълумотли бўлган.

Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Рўйхат чоғида сановат-жавоб қилинган кишилар қисми миллатга мансублиги ва тилини ўзлари айтдилар. 1970—1978 йиллар мобайнида республикадаги ҳар миң кишидан миллиондан ортиқ кишиларнинг сони кўпайди. Маълумотлар шунини кўрсатдики, ямаи аҳолининг 95,6 проценти ўз миллати тилини ва 4,4 проценти СССР халқларининг бошқа тилларини она тили деб ҳисоблайди. Барча совет халқларининг бир-бири билан муттасил қилинаётганлиги, уларнинг қардошларча мустақкамлаш жараёни давом атайдиган бир вақтда рус тили муҳим роль ўйнайди. 1970 йилги рўйхат вақтида Ўзбекистондаги турли миллат ва элатларга мансуб 1812,2 миң киши рус тилини бемалол билладиганлиги тили сифатида кўрсатган эди. 1979 йилда уларнинг сони кўпайди, 7179,7 миң кишига етган.

1979 йилги рўйхат якулида оилаларининг сони ва катта-кичиклиги туғрисидаги маълумотлар бор. Ямаи 2647,5 миң оила ҳисобга олинган бўлиб, шуларнинг 13,4 проценти 2 кишидан, 14,3 проценти 3 кишидан, 16,3 проценти 4 кишидан ва 56 проценти 5 ва ундан кўпроқ кишидан иборат оилалардир. Оилалигида илбичи оила аъзолари умуман республикада 5,5 кишидан, шаҳар аҳолиси ўртасида 4,6 ва қишлоқ аҳолиси ўртасида 6,2 кишидан иборат бўлди.

1979 йилги аҳоли рўйхати маълумотлари кўра, 5508 миң еркак ва аёл никоҳда бўлган. 1970 йилга нисбатан уларнинг сони 1288,1 миң киши ёки 30,5 проценти ошган.

Рўйхат якулига кўра, иккимовий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сони 6201,1 миң кишини ташкил атайди. 1970 йилга нисбатан 46 процент кўпайган.

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати материалларини ишлаб чиқиш давом атьмоқда.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси.

ЖАЛҚАРО ЖАЁТ

ВОКЕЛАР, ФАКТАР, ИНГИЛИКЛАР

КАРМАЛ БАБРАКНИНГ НУТҚИ

КОБУЛ. Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Афғонистон революцион кенгашининг раиси ва Афғонистон Демократик Республикаси бош вазирининг Кармал Бабрак Қобул радиоси орқали нутқ сўзлади.

У ўз нутқида Афғонистон Демократик Республикаси давлати ва халқининг сийсий йўлини баён қилди.

Кармал Бабрак АДР ҳукумати жуда қисқа муддат ичида икки сибат соҳасида қўйилган амалга оширадиган демократик ер ислоҳотининг янги босқичлари бошланади; феодализм сарқитлари ва ақнабий савдогарлар, империалистик монополиялар вакилларининг ҳумронлиги тугатилади; экономикада давлат секторининг кенгайтириши таъминлайди, хунармандларга, майда ва ўрта ҳол ер

эгаларига, миллий капиталга ердан беради; сийсий ижтимоий ҳаётини ва давлат аппаратини демократлаштиради; Афғонистондаги барча қардош халқлар ва қабилаларнинг миллий тили ва маданиятини ривожлантириши таъминлайди; маданий революцияни амалга оширади; барча соҳаларда мустақиллик, янги мустақиллик ва империализм таъсирининг қолдиқларини тугатади.

АДР халқи ва давлати СССР билан дўстлик, яхши қўнаниш ва ҳамкорлик тўғрисида 1978 йил 5 декабрдаги шартномага тўла содиқ бўлиб қолган ҳолда, буюк тинчликсевар давлат — Совет Иттифоқи билан мустақам дўстлик ва қардошлиқ муносабатларини қўллаш-қувватлайди ва ривожлантиради.

(ТАСС, 31 декабрь).

АМЕРИКА-ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 31 декабрь. (ТАСС). Шанба кунин БМТ хавфсизлик кенгаши АҚШнинг итимоисига кўра Эрон билан Америка ўртасидаги муносабатларни қараб чиқишга кўришди. АҚШ Тўғрисидаги элчиликнинг америкалик 50 киши гаровга олинганлиги муносабати билан Эронга қарши жазо чоралари қўлланилиши қаттиқ талаб қилмоқда.

АҚШ давлат секретари С. Вонс хавфсизлик кенгаши мажлисида сўзга чиқиб, жумладан қўйилганларини айтди: бизнинг сабр-тоқати-миз кейинги ҳафта мобайнида қаттиқ синодан ўтди. У АҚШ ўз мақсадларига эришиш учун «бошқа воситаларни ҳам» қўлланишига тайёр, деб таъкидлади. Бу ерда Вонсинг

шу сўзини ишоним ҳарбий йўл билан «ҳал этишга» қилинган ишора деб қабул қилди.

ВАШИНГТОН, 31 декабрь. (ТАСС). «Вашингтон пост» газетасининг фикрича, Қўшма Штатлар К. Вальдхайм Тўғрисида гаровга олинган америкаликларни озод қилишга яна бир марта ўриниб кўргунга қадар Эронга қарши хавфсизлик кенгаши белгиланган иқтисодий жазо чораларини қўллашиш бўлидаги ҳаракатни кечиктиришни таклиф этган. Демак, «АҚШ ҳозирги вақтда жазо чоралари тўғрисидаги резолюцияни қабул қилиш учун 15 кишидан иборат кенгашида зарур кўпчилик овозга эга эмас», деб ёздаи газета.

Янги йил арчаси, Қорбобо ва Қорқиз кичкин-тойларга олам-олам севиноч олиб келди. Кунин кеча Собир Раҳимов районидagi 472-болалар боғчасига Янги йил элчилари меҳмон бўлиб келдилар.

Суратларда: арча байрамида.



Н. Муҳаммаджонов фотолари.



Областимиз спортчилари орасида олимпиада мусобақаларида Совет Иттифоқи спорт шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган талантли ва тажрибали спортчилар Бор. Чирчилик Людмила Старожкова, олимпиадалик спортчилар боксчи Владимир Шин, велоспортчи Евгений Поситиний, енгил атлетикачи Людмила Флороваларга юксак ишонч билдириш мумкин. Бу спортчилар олимпиада йилларида ўзларини яна бир марта кўрсатадилар.

А. ҲАФИЗОВ, область физкультура ва спорт комитетининг раиси.

Редактор ўринбосари **С. МУСАЕВ.**


АССАЛОМ ОЛИМПИАДА

ҚИРИБ келаётган 1980 йилнинг кувончли хусусати йондаки, улугвор Ватанимиз пойтахти Москвада XXII олимпиада уйинлари ўтказилади. Бу катта анжуман спортнинг тарихига, шубҳасиз, зарар ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Янги йилни кутиб олаётган ҳар бир спортчининг энг эзгу нияти ана шу катта байрамда Совет Иттифоқи шарафини муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир.

Янги йил режиссори ҳандақда финч юритилган олдин. Утган 1979 йилнинг унмас саккиз фаларини ярақлаш ўринлидир. Утган йил спорт мусобақаларига бой бўлди. Энг муҳими Москвада СССР халқларининг VII вази спартакиадаси бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда ўзбек спортчилари ҳам муносиб иштирок этдилар. Республикаимиз терма командаси умумий еттинчи ўринни эгаллади.

Бу салмоқли ютуқда областимиз вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Улар спорт уйинларининг 21 тури бўйича иштирок этишди. Терма командимиз умумий жамғармага 400 дан ортиқ қимматли очко тўплаб бердилар. А. Киякин, В. Буқанов, Э. Муродасилов, В. Прохоров, В. Криво, В. Овчинников каби эшак эшувчилар, эркин кураш устаси Э. Абдурамоновлар қўлга киритган муваффақият, аниққис, кувончли бўлди.

Утган йилнинг яна бир кувончли воқеаси шу бўлидики, халқаро классдаги спорт мастери Владимир Шин бокс бўйича жаҳон кубогини соҳиби бўлди.



1 январь — Куба революцияси галаба қозонган кун.

Суратда: Гавана — Куба Республикасининг энг индустриал саноат, маданий ва илмий маркази.

ТАСС фотохроникаси.

31 ДЕКАБРЬ. Соат миллари 24 га яқинлашмоқда. Ҳар бир онлада, ҳафтада шоду-хуррамлик. Тўқна-сонин янги йил дастурхонини атрофида утирғалар ютуқ ва кувончларга бой бўлган 1979 йилни манмувиат билан қўзатишди. Наврйор 1980 йилни эса яхши кайфият, катта режалар билан кутиб олинмоқда.

Ана шу пайтда Қорбобо афсонавий учар тилами билан меҳнат постида турб ўзларига юклатилган вазифани сийқидилдан бажарётган илчи-хизматчилар ҳузурда бўлди. Улардан «Янги йил интервьюси»ни олди.

улари энг аввало бир-бирларини кириб келаётган Янги йил байрами билан қўзатишди.

— Янги йилни станциянинг 40 нафар илчиси меҳнат постида кутиб олмақда, — дейди Республика шаҳарлараро телефон станциясининг смена бошлиғи Светлана Ивановна Нандило Қорбобо билан сўхбатда.

лар Анна Белик, Анна Зорина, Валентина Свердловнага тезгина ёрдам кўрсатишиб, янги тутилган нақалонини ўраб-чирмаб олишди. Иш устида бўлганлигидан улар соат миллари бонг уриб Янги йил кирганлигини дарак берганидан ҳам бахобар қилишди. Улар бундан сира ҳам ҳижолат бўлишгани йўқ. Чунки, шифо-

даликкагина кўчаларда ҳаракат тўхташи мумкин. Йўқса, йул ва кўчалар ҳақида сарфатлов бўлиб туради, — дейди Қорбобого Янги йил интервьюси берган област илчи ишлар бошқармаси Давлат автоспекциясини бошлиғи, милиция полковниги С. С. Тельяц. — Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида патрул хизмати янада кучайтириди. Областимизнинг ҳамма кўчалари автоспекторлар назоратида. Утган 1979 йилда ходимларимиз ўртасида уюштирилган социалистик мусобақа гойиблари бўлган инспекторлар — Бекобод районидан Карим Раҳимов, Галаба районидан Жалил Холматов, Тошкент районидан Албар Мансуровлар бу оқшом ҳам ўз постларида ҳушёрлик ва сезгирлик намунасини кўрсатишди. Янги йил, Ангрэн шаҳарларидаги ва Тошкент районидagi ГАИ постларида ҳам юксак ушорқонлик намунасини намойиш этилади. Бу постларда А. Абдураҳимов, Ш. Ёлдошев, Т. Турсунов каби милиция офицерлари йўлларнинг беҳатар бўлишини таъминлайдилар. Ҳама постларида хушёр турган автоспекцияимиз ходимлари Янги йил давомида ҳам ўзларининг энг яхши аъёнларини давом эттирадилар.

Қорбобо сўхбатини оққа кўчурувчи **Р. ШЕРАЛИЕВ.**

ДАСТУРХОНИМИЗ КҮРКИ

ЗАВОДИМИЗДАН янги йил тонгида шаҳар озиқ-овқат магазинларига 13 тоннага яқин нон ва нон маҳсулотлари етказиб берилди, — дейди Газажент нон заводи ишлаб чиқариш мудири Нигмат Ҳикматов. — Шаҳар аҳолисининг талабни ҳисобга олган ҳолда ўн хил ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Улар орасида булка ва мийлий нонлар катта салмоқини эгаллайди.

ҚОРБОБОНИНГ САЁҲАТИ

ган ҳиссаси каттадир. Нонвойларимиз йиллик планини 23 декабрдаёқ ошириб бажаришди. Йил охирига планда белгиланган 5440 тонна ўрнига 5650 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиди.

УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛИБ — ШАҲАРЛАРАРО телефон станцияси эшитилади. — Марҳамат, буюртма қабул қилинг: Москва, телефон номери... — Ордадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас икки шаҳардаги дўст ёни қариндош уруғ ўртасида телефон орқали сўхбат бошланади. Албатта,

бу шаҳарлараро телефон сўхбатининг кўпайиши тўғрисида. Биз бир соатда 500 та буюртма қабул қилдик. 10 ходимимиз ана шунча буюртма қабул қилган бир пайтда 400 киши шаҳарлараро телефон станцияси хизматидадан фойдаланаядилар. Буюртмачилар фақат Иттифоқимиз шаҳарлари билангина эмас, чет эл мамлакатлари билан ҳам телефон алоқасидан фойдаланишлари мумкин.

КҮШ КҮВОНЧ ЯНГИЙ НИСОН дунёга келди. Тугруқхона врачлари Фарида Маннонова, ҳамшира-

корлар Янги йилни кўш кувонч билан қаршилашди. — Тугруқхонамизда янги йил оқшомида 10 чақалок дунёга келди, — дейди Оржоникидзе район Марказий касалхонасининг бош врач ўринбосари Анора Давронова. — Шу кунин меҳнат постида турган тугруқхона шифокорлари ўз вазифаларини сийқидилдан бажаришди. Бир йўла 80 кишига юксак медицина хизмати кўрсатилди.

ИҮЛЛАРИНИНГ БЕХАТАР БҮЛГИНИ — ЯНГИ йил бонг жаранлаганда, эҳтимол, бир

МАМЛАКАТЛАР, ЙИЛЛАР ВА МИНТАҚАЛАР

1918 ИИЛДАН ЭЪТИБОРАН

ҚАДИМГИ Миср аҳолиси календардан олти минг йил аввал фойдалана бошлаган. Уша давр билимдонлари астрономия асосларини билганлар. Илнинг тошш ва қайтиш жадвалини тузганлар, дала ишлари мавсумларини белгиланганлар. Миср йили ҳам ҳозиргидай 365 кун бўлган. Янги йил 19 июлда, кун чиқиш олдидан уқда еркин Сириус олузди бўлганда ишчиланган.

Минг йиллар давомида календар кўп марта ўзгарган. Фақат 1582 йил энг аниқ календар (янги ҳисоб) жорий қилинган. Бу календарга аста-секин ҳамма мамлакатлар ўтса-ҳам, қор Россияси эски ҳисобда қолареван эди.

Янги календар бизда фақат Совет ҳокимияти даврида, 1918 йил февраль оқида жорий қилинди.

АСТРОНОМЛАР КАЛЕНДАРИ БҮЙИЧА

МАЪЛУМКИ, янги йил ҳамма мамлакатларда янги бир вақтда бошланмайди. Астрономларнинг ўз календари бўйича-чи!

Бундан ўн икки йил муқаддам астрономик янги йил биринчи январь кунин Москва вақти билан 18 дан 24,9 минут ўтганда кирган эди. 1969 йилда эса астрономлар янги йилни «муқаддатдан аввал», яъни 31 декабрь соат 15 дан 35,5 минут ўтганда кутиб олинган.

Бу Бессель йили деб аталади. Ана шу астрономик ҳисоб бўйича ҳам Янги йил ер юзининг ҳамма жойида янги бир вақтда бошланади.

БИР СОАТ ОЛДИН

1930 йилда СССРда «ёзлик» мавсум ҳисоби домий ҳаракатга кирди: бизнинг соатимиз минтақа ҳисобидан вақтдан домий бир соат олдинда. Шунинг учун янги йил ҳам бир ерга бир соат олдин келади, десак бўлади.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Шу совғага лойиқ Порохўрнинг ҳаёлидаги Янги йил арчаси.

— Кира ҳақи устига совға берсангиз манзилга элтиб қўяман.

Сўясиз сурат.

А. Ҳолиқов чизган расмлар.